

БОЛАЛАРДА КЎКРАК ИЧИ ЛИМФА ТУГУНЛАРИ СИЛИНИНГ КЕЧИШИ ВА ДИАГНОСТИКАСИ

Н.Н. Шамшиева, А.Х. Курбанов, В.Н. Мухтермова

Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент ш., Ўзбекистон

Долзарблиги

Болаларда силнинг асосан кўп учрайдиган тури ҳозирги кунда кўкрак ичи лимфа тугунлар сили бўлиб ҳисобланмоқда. Бугунги кунга келиб кўкрак ичи лимфа тугунлар сили клиник кўриниши ва кечиш муддатининг камайиши кузатилмоқда ва бу мазкур касалликнинг бошқа нафас аъзолари касалликлари билан қиёсий ташхисотига сезилари қийинчилик туғдирмоқда.

Тадқиқот мақсади

Болаларда кўкрак ичи лимфа тугунлар сили диагностикаси ва кечишини ўрганиш.

Тадқиқот материаллари

Шаҳар фтизиатрия болалар сил клиник шифохонасига даволаниш ва кўриқдан ўтиш учун келган 135 нафар болалар текширилди. 107 нафар болада кўкрак ичи лимфа тугунлар сили ташхиси тасдиқланди, 28 нафар болада инкор қилинди. Барча беморлар 4 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳда 39 нафар бемор болалар бор эди. Улардан 28 нафар болаларнинг томаграммасида I ва II гуруҳ кўкрак ичи лимфа тугунлари 1,5-2,5 см бир томонлама, 11та бемор болаларда эса икки томонлама аниқланди. Иккинчи гуруҳдаги 29 нафар бемор болаларда кичик кўкрак ичи лимфа тугунлари билан 0,3-0,5 см ни ташкил этди. Учинчи гуруҳда 24та бемор бола бўлиб, улардан 8 нафарида кальцинатлар ҳосил бўлганлиги аниқланиб, 16 нафар бемор болада эса чандиқли ўзгаришлар, 7тасида бронхларнинг иккала томонидан ёки 9тасида бир томонидан ўзгаришлар аниқланди.

Тадқиқот натижалар

Сил билан касалланган беморлардан 68 нафари сил билан касалланган беморлар билан майший мулоқотда бўлган. 65 нафар болада касаллик турли клиник белгиларни текшириш натижасида аниқланган. Бир неча клиник белгилар биринчи гуруҳ болаларда аниқланди. Иккинчи гуруҳдаги 21 та болада силга хос заҳарланиш белгилари, 19 нафарида субфебрил ҳарорат, 9 нафарида эса гемограммада силга хос ўзгариш аниқланди. Учинчи гуруҳдаги 22та бемор болада заҳарланиш белгилари: ҳарорат кўтарилиши, 14та бемор болада, гемограммада силга хос ўзгариш 11та бемор болада кузатилди. Кўкрак ичи лимфа тугунларидаги ўзига хос ўзгаришли жараён 6та бемор болада тасдиқланди. Тўртинчи гуруҳдаги 15та бемор боланинг 3тасида касаллик белгилари кузатилмаган.

Хулоса

Кўкрак ичи лимфа тугунлар силида гиперплазия ва кўкрак ичи лимфа тугунларида кальцификация ҳолатида ташхис қўйиш қийинчиликлар туғдиради. Асосий диагностик кўрсаткичлар бўлиб кўкрак қафаси томограммаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абсадыкова, Фарида Турдиевна, Фатима Кудратовна Ташпулатова, and Вера Николаевна Мухтермова. "Новая тактика химиопрофилактики туберкулеза у детей из контакта с лекарственно устойчивым туберкулезом легких." *Интернаука 17-1* (2019): 27-29.

2. Ханова, Ирода, and Н. Шамшиева. "Особенности течения и анализ результатов эффективности лечения диссеминированного туберкулеза легких у впервые выявленных больных." *Перспективы развития медицины 1.1* (2021): 551-552.

3. Касымов, Илхом Асамович, and Хуршид Хакимович Мухаммадиев. "К вопросу этиологической диагностики бактериальных и вирусных менингитов." *Молодой ученый 16* (2017): 52-55.

4. Абсадыкова, Ф. Т., and В. Н. Мухтермова. "Новые подходы к реализации противотуберкулезных мероприятий среди детей в республике Узбекистан в современных условиях." *Актуальные вопросы фтизиатрии и пульмонологий: Материалы науч.-практ. конф.* 2014.